


Чор Россияси томонидан босиб олинган учта хонлик худуди Каспий денгизидан то хозирги Хитой Халк Республикасига қадар чўзилган эди:



Гарчи мазкур учта хонлик тарқок бўлиб, бир-бири билан тез-тез уруш олиб борган бўлса-да, улар эгаллаган ҳудуд тарихий хариталарда ва турли муаллифларнинг асарларида умумий тарзда Ўзбек ва Ўзбекия номлари билан тилга олинган. XVI-XVIII асрларда ГАРБИЙ Европа мамлакатлари ва Россияда тайёрланган тарихий-сиёсий ва этник хариталар ҳамда глобусларда мазкур учта хонлик эгаллаган ҳудуд Ўзбекистон деб эътироф этилган. Ана шундай хариталардан бири Nova Maris Kaspii et Regionis Usbeck («Каспий денгизи ва Ўзбек мамлақати харитаси») деб номланади. Ушбу харита Пётр I саройида хизмат қилган голландиялик картограф Абрахам Маас томонидан

яратилган ҳамда 1735 йилда Нюрнберг шахрида чоп этилган. Мазкур тарихий харитада бутун Ўрта Осиё худуди, яъни Туркистон деб аталмиш табиий-географик минтаканинг худуди пушти ранг билан бўялган ва USBEK номи билан кайд этилган [\[Maas, 1735\]](#):

Хозирги вақтда 200 дан ортиқ ана шундай харита ва глобуслар мавжуд бўлиб, уларда бутун Ўрта Осиё худуди Usbek (Usbec, Usbeck, Vsbek), Usbekia (Usbechia, Uzbekiae), Ўрта Осиёнинг айрим қисмлари эса Usbek Bucharia, Usbek Bochara; Usbek Chowaresmia, Usbek Mawaralnahra, Usbek Turkistan, Usbek Turan, Usbek Tartaria, Usbek Zagatay каби номлар билан аталган. Шунини таъкидлаш лозимки, барча номлар сиёсий бирликнинг – давлат ёки мамлакатнинг номлари сифатида келтирилган.

Грециялик саёхатчи ва картограф Василио Ватаче [Battatzis] томонидан 1730 йилда яратилган харита ҳам ўзига хос кизиқиш уйғотади. 1727-1730 йилларда у Каспий денгизи ёқасида жойлашган мамлакатлар бўйлаб саёхат қилган ва ўз саёхати хақида грек тилида ёзиб қолдирган. Кўплаб грек ва латин ёзувлари битилган ушбу ноёб хаританинг асл нусхаси Лондондаги Кириллик География жамиятида, нашри эса Британия кутубхонасининг картография бўлимида сақланмоқда.

Ватаченинг харитасида Орол денгизидан то Помир тоғларигача бўлган худуд ΘΖΜΠΕΓΙΣΤΑΝ (Uzbekiae), яъни Ўзбекистон номи билан аталган. Ушбу мамлакатнинг таркибида ΕΖΜΕΤΙΟΛΟΥ (Хоразм), ΜΠΟΥΧΑΡΙΑ (Bucharia), яъни Бухоро ва ΜΠΕΔΕΞΑΝ (Badachsan) Бадахшон вилоятлари, шунингдек ΧΙΒΑ (Chiva), яъни Хива, ΣΑΜΑΡΚΑΝΤ (Samarcanda) Самарканд, ΜΠΑΛΧ (Balch) Балх каби йирик шаҳарлар ҳамда ΚΑΡΣΙ (Carsi) Карши, ΧΟΤΣΑΝΔ (Chogiand) Хўжанд, ΧΘΝΔΘΖ (Conduz) Кундуздан иборат кичикроқ шаҳарлар жойлашган. Харитада ΘΖΜΠΕΓΙΣΤΑΝ (Ўзбекистон) номи қолган барча вилоят номларига нисбатан анча йирик ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилган, бу эса Ўзбекистон номи харитада кайд этилган барча бошқа вилоятлар орасида ўзига хос ўрин эгаллаганини ва эҳтимол бутун Ўрта Осиё худудининг сиёсий маркази бўлганини билдирар эди. Usbeck ва Usbekia топонимлари XVI-XVIII асрларда қўлланилган ва грек харитасида кайд этилган ΘΖΜΠΕΓΙΣΤΑΝ мамлакатининг латинча эквивалентларидир. Ушбу мамлакат кейинчалик Бухоро, Хива, Кўкон ва Балхда ўз марказларига эга бир канча мустақил ўзбек хонлиқларига бўлиниб кетган Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатларининг худудини ўз ичига олар эди.

XIX асрдан бошлаб Хива, Бухоро ва Кўкон хонлиқлари Чор Россиясининг савдогарлари ва саёхатчилари, айгоччилари ҳамда этнографларида ҳам катта кизиқиш уйғота бошлайди. Рус муаллифларининг асарларида ҳам Ўзбекистон деб номланган мамлакат мавжудлиги эътироф этилган. Демозин П. И., Виткевич И. В. 1835 йилда ёзилган

“Бухоро хонлиги хакида расмий маълумот” деб номланган асарида амирлик худудини Ўзбекистон ва Турон номлари билан атайди. 1835 йилга қадар ёзган Савильев Мовараунахрга Ўзбекистон, Ўрта Осиё худудига эса Турон деб ном беради. 1843 йилда Бухоро хонлигини таърифлаган Н. Хаников Бухоро амирлиги ва ўзбек хонлари хукмронлиги остида бўлган кўшни худудларга нисбатан Ўзбекистон терминини қўллайди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон номи нафақат сиёсий, балки этник атама ҳам бўлган. Бир қанча Гарб ва рус тадқиқотчиларининг ўша даврда ёзиб қолдирилган асарларида Хива, Бухоро ва Кўкон хонликлари аҳолисининг катта қисми ўзини ўзбек халқига мансублигини таъкидлаган. Жумладан, уларнинг асарларида ўзбеклар хакида қуйидаги таърифлар келтирилган:

“XVI асрнинг бошида Мухаммад Шайбоний темурийларнинг тобора заифлашиб бораётган ҳокимиятини тортиб олганидан сўнг Бухоро, Хива ва Балхда яшовчи туркий элатлар ўзбек номини қабул қилди. Шайбонийхон билан бирга қелган ўзбеклар икки қаро ораллигида маҳаллий туркийларни учратди ва икки туркий қавмнинг бирлашиши натижасида ҳозирги ўзбек халқи юзага қелди. Ўзбеклар – бу асосан ўтроқ ва деҳқончилик билан шугулланувчи халқнинг номи. Улар Орол денгизининг жанубий қирғоқидан то Қумулгача ястанган қенг худудда яшайди ва учта хонлик ҳамда Хитой Туркистони худудидаги қўп сонли халқ сифатида қайд этилади” (Арминий Вамбери).

“Хива хонлигида ўзбеклар қарийб 336 000 минг кишини (ёки хонлик аҳолисининг 64,7 фоизини), Бухоро амирлигида эса қамида 900 000 – 1 000 000 кишини ташкил этади. Ўзбеклар Самарқанд вилоятида, Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятларининг айрим худудларида, шунингдек, Хива ва Бухоро хонликларида яшовчи аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Мазкур хонликлар худудида ўзбеклар сон жиҳатидан устунлик қилиш билан бирга хукмрон маънага ҳам эгадир” (В. И. Масальский).

“Ўзбеклар, маълумки, Ўрта Осиё аҳолисининг гоёт катта қисмини ташкил этади. Бухоро амирлари фақат ўзбекларга таяниши мумкин ва ҳар доим уларга таяниб қелган” (А. Д. Гребенкин).

А. И. Шевяков “Д. Шоберлайн-Энгел асари хакида”ги мақоласида бу ҳақда шундай дейди:

“Ўзбекистон, яъни “ўзбеклар мамлақати” этнографик тушунчаси нафақат ЎзССР пайдо бўлишидан, балки Россияда большевиклар ҳокимият тепасига қелишидан бурун мавжуд бўлган. Европалик тадқиқотчилар асарларида 1917 йилдан анча илгари ҳеч қандай

кўшимча изохларсиз ва бошка манбаларга таянмаган холда, ўзбеклар яшайдиган худудлар аниқ белгилаб кўйилган ва бу худудлар хозирги Ўзбекистон худудига мос келади. Бу эса халқлар ўзининг этник мансублигини большевиклардан анча илгари англаб бўлганини англатади”.

Америкалик тарихчи олим Эдвард Оллвортнинг таъкидлашича, “советлар белгилаб берган Ўрта Осиё худуди 1920 йилда илк марта расман Ўзбекистон деб номланган сиёсий-худудий бирликдан анча катта минтақани ўз ичига олар эди”. Марказий Осиёнинг жануби ҳисобланган Ўрта Осиё, яъни жанубий Козогистондан Эронгача, шимолий Афғонистондан Шарқий Туркистонгача бўлган минтақа Марказий Осиё тарихида ўзбекларнинг ватани сифатида ифодаланган. ***

1923–24 йилларда ўтказилган маъмурий-худудий чегараланишдан кўзланган бош мақсад – ўзбеклар давлатчилигига болта уриш, уларнинг минтақадаги маданий, сиёсий ҳукмронлигини йўқ қилиш эди. Аслида ўзбекларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган тадбирлар Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинishi биланок бошланганди. 1870-80 йиллар мобайнида катта худудни эгаллаган Кўкон хонлиги тугатилиб, унинг худуди Россия империяси таркибига кўшиб олинди. Хива ва Бухоро хонликлари ярим мустамлака шаклида сакланиб қолган бўлса-да, уларга тегишли бўлган худудларнинг катта қисми Чор Россияси таркибидаги Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига ўтказилди.

Биринчи Жаҳон урушидан сўнг Чор Россияси ўрнида Совет давлати қарор топгач, Марказий Осиё худудида қайтадан худудий ўзгаришлар юз берди. 1918 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнида Россия таркибида Туркистон Совет Мухтор Республикаси ташкил этилди. 1919 йилда Россия таркибида Киргиз (Козок) Совет Социалистик Мухтор Республикасини ташкил этилди. Хозирги Козогистоннинг гарбини эгаллаган ушбу республика Марказий Осиёда советлар томонидан ташкил этилган энг биринчи миллий республика бўлди. 1920 йилда Кизил Армия кўшинларининг Хива хонлиги худудига бостириб кириши натижасида хонлик тугатилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди. Шунингдек, 1920 йилда Бухоро амирлиги ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳам ташкил этилди.

Марказий Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгунга қадар бўлган харита:



Манба